

ЎЗИ
А 52




ДАМАЙ



ДЛМАЙ
танланган
асарлар

НАШРГА ТАЙЕРЛОВЧИ
СУБУТОЙ ДОЛИМОВ



БАДИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ

1965

ЎНУТИЛИБ КЕТГАН БИР ШОИР ҲАҚИДА

Тошкент әнг қадимий, әнг қўйна шаҳар. Бу ерда қадим замонларда ҳам кўпгина ажойиб шоир ва ёзувчилар яшаб ижод қилганлар. Ҳислат, Камий, Гулшан, Авлоний, Ҳақирий, Мискин, Дилкаш Тошкандий, Дилафкор, Домла Тош Ҳаёл, Азиэй, Гуломий, Ҳижрат Тошкандий ва бошқа қатор шоир, ёзувчилар, тарихчи ва таржимонлар Тошкент қучогида етишдилар ва ўзларининг ижодий ишлари билан катта бир адабий ҳаракат майдонга келтирилар.

Кўйон адабий ҳаёти Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Завқий каби демократ шоирларни, Хива адабий муҳити Мунис, Огаҳий, Комил, Рожий, Холис, Аваз каби ажойиб шоирларни; Бухоро адабий ҳаёти Доңиш, Шоҳин, Ҳайрат каби маърифатпарварларни ва бошқа қатор шоир ва адабларни тарбиялаб етишириди ва булар ҳалқни демократик руҳда тарбиялашда катта роль ўйнадилар. Тошкент албатта бундай адабий ҳаракатдан четда қолмади. Ўзбекистоннинг Россияга қўшиб олиниши натижасида Тошкент маданий марказга айланди ва адабий ҳаракатнинг ривожланишида муҳум роль ўйнади. Тошкент бошқа шаҳар ва музеофотларда стишган шоирларга ҳам ўзининг маданий тараққиётни билан катта таъсири өтди. Бу шонрлар ўз бадиий асарлари ва публицистик мақолалари билан «Туркистон вилояти газети»га актив қатнашдилар. Шу билан бирга, Тошкентдаги адабий муҳит Кўйон, Хива адабий муҳити билан узвий алоқада бўлди. Ҳусусан, баёз ва девонлар нашр қиласидан Тошкент биринчи ўринда турди. Иккинчидан, Кўйон, Хива шоирлари Тошкент шоирларининг ғазалларига ва аксинча, Тошкент шоирлари Кўйон, Хива шоирларининг ғазалларига мухаммаслар bogладилар. Бу әса ҳамма вилоятлардаги адабий ҳаракатларининг бир-бири билан алоқадор

әканидан далолат беради. Бу адабий ҳаракат Тошкентда Мулла Фазлуллоҳ Миржалол ўғли Алманий каби ажойиб шоир, олим ва моҳир таржимонини адабиёт майдонига олиб келди.

Мулла Фазлуллоҳ таҳминан 1851 йил Тошкент шаҳар, Кўкча даҳа, Қўштут маҳалласида камбагал бўёз тўқувчи оиласида туғилди. Отаси Миржалол бўячилик қилиб эўрга рўзгор тебратар ёди.

Фазлуллоҳ маҳалласидаги мактабда ўқиб, хат-саводинни чиқарди-да, сўнгра Ҳазрати Имом яқинидаги «Муйин муборак» мадрасасида ўқиди. Шу даврдан бошлиб Фазлуллоҳда шеъриятга ҳавас уйгонади. Пенсионер Нодирхон аканинг айтишига қараганда, шу мадрасада бир банги кўкнори яшар әкан, у одам мадраса саҳнидаги тераклардан синиб тушган қуруқ шохларни териб, шу билан чой қайнатар әкан. Фазлуллоҳ шу кўкнори билай ҳазилкаш әкан. Бир куни кўкнори мадраса саҳнида ўтиш териб юрган вақтида Фазлуллоҳ унга қараб шундай деган:

Бошига бир кичик латта чўлғаб,
Ўлгуча хор-зор кўкнори.
Алидан гарчи ҳеч иш келмас,
Чўп терарга ярор кўкнори.

Бу кўкнорига қаттиқ тегмабди ва Фазлуллоҳнинг хунук одам әканлигини юзига солибди, холос.

Фазлуллоҳнинг амакиси ўрта ҳол киши ёди. Акасиннинг ўғли Фазлуллоҳнинг истеъдод ва қобилиятини кўриб, ака-ука маслаҳатлашиб, уни дин олимни қилмоқчи бўлганлар.

Уша даврда Бухоро илм макони ҳисобланарди. Бироқ Бухоро мадрасаларидан дунёвий илмлар батамом чиқариб ташланган, «диний илм»дан бошқа ҳеч қандай «илм» ўқитилас мас әди.

Фазлуллоҳ амакисининг ёрдамида Бухорога боради ва мадрасада ўқишини давом эттиради. Аммо амакиси унга доим моддий ёрдам бериш тура олмади. Шундан сўнг отасиннинг илтимоси билан вақфдан озгира ёрдам олиб туради. Фазлуллоҳ мадрасада ғоят оғир ҳаёт кечиради. Лекин у илмга қаттиқ берилади, мадраса ҳужрасида кечайо кундуз мутолаа қилади, форс ва араб тилларини мұкаммал әгаллаб олади, хаттотликка ҳавас билан қарайди, хаттнинг хилма-хил шакларини машқ қи-

лади, айниқса, настаълиқ шаклини яхши ёзадиган бўлади.

Фазлуллоҳининг отаси онда-сонда 20—30 тонга пул юбориб турар эди. Фазлуллоҳ моддий томондан ҳаддан ташқари қийналди. Отасига форс тилида шеърий мактуб ёзди. Отаси бу мактубнинг мазмунига тушумай уни форсихон биро муллага ўқитади. Мулла: «Хатнинг мазмунига қараганда, ўғлинигиз сог-саломат, аммо кийинишга кийими йўқ, ялангоч экан, дарс вақтида мударрисининг ҳуэурига чиқолмас экан»— деб мактубнинг мазмунини отасига айтиб беради. Отаси ўзини тутолмай, йиглаб юборади ва уйга келиб, бўз тўқидиди-да, шу бўзни ўғли Фазлуллоҳга бериб юборади. Фазлуллоҳ минг азоб-үқубат билан мадрасани тугатади. Энди ўз ватани Тошкент шаҳрига қайтиши керак, аммо пул йўқ. Мулла Фазлуллоҳ Бухородан Тошкентга келаётган карвонларга қўшилиб, Тошкентга етиб келган.

Мулла Фазлуллоҳ Бухородан келгандан сўнг, отаси уни Тошкент шаҳар, Ҳофизкўйки маҳалласидаги бир деҳқоннинг Собира исмли қизига уйлантитриб қўяди. Собира, қизи Ҳалима¹ онанинг айтишича, ўқиган, оқкорани таниган, аёл бўлган. У дастлаб уйида қизларни йигиб ўқитган, шеърлар ҳам машқ қилган. Болалари кўпайгандан сўнг (Жория, Ҳалима, Пўлатхон, Назрullo, Саъдихон деган болалари бўлган), мактабдорлик ва шеърниависликни йигиширишга мажбур бўлган.

Алмайи Бухородан қайтиб келгач, Шукурхон мадрасасида мударрислик қилган (пенсионер Шотурсун Шомақсуводшининг айтишига қараганда Шукурхон мадрасаси ҳозирги табииёт музеининг ёнидаги бадиний моллар ишлаб чиқарадиган саройнинг ўрни бўлган). Лекин шоир бу мадрасада узоқ вақт мударрислик қила олмади. Чунки у Бухорода ўқиб юрган кезларидаёқ мударрисларни, дома-ла-имомларни ёқтиромас эди. Шоир Алмайида бундай кайфият диний илмларни пухта ўрганганидан сўнг яна-да кучаяди, хусусан, Тошкентга келгандан кейин, диний урф-одатларга салбий муносабатда бўлади: намоз ўқи-майди, рўза тутмайди, реакцион дин аҳлари билан қат-тик мунозарада бўлади. Бу, албатта, диндорларга ёқмади. Шоирдаги бу кайфият Ташкент қозилари, шарнат пешво-

¹ Ҳалима она ҳозир «Қирав Узбекистон» маҳалласи (собиқ Хотин кўприк). Илонгай кўни, № 2 уйда туради. Невара-чеварали, пири бадавлат вёл. Ўғли Фахриддин Йўлдошев босмахонада ишлайди.

ларининг қулогига етиб турди. Шу муносабат билан Тошкент қозиси Умарбек отда кела туриб, йўлда Мулла Фазлуллоҳни кўриб қолади. Уни чақириб олиб: «Кўр Фазлуллоҳ¹, тинч юрасанми, йўқми!»— леб дагдага қилган. Кўп ўтмай шоир Шукурбек мадрасасидан четлаштирилади, шундан кейин бу оташин забон шоир, тошкентлик қарияларининг айтишига кўра, рўзгор тебратиш учун хаттотлик қиласи. Унинг асосий касби хаттотлик ва таржимонлик әди. Шоир хатни жуда чиройли ёзган, у вақтда Тошкентда матбаа бўлмаган. Китобга муҳтоҷ кишилар Мулла Фазлуллоҳга айтиб ўзлари ёқтирган китобларни кўчиритирғандар. Шотурсун Шомақсуводдининг айтишича: Мулла Фазлуллоҳ Алманий бир ўғил кўради, маҳалладаги ёш-яланглар унга ўғил кўргани учун ақиқа қилиб беришни талаб қиласидар. Алманий бир кечада кагта бир китобни кўчиради ва саҳофларга² олиб бориб сотиб, пулига ақиқа қилиб беради.

Мулла Фазлуллоҳ жуда ҳам хушхат бўлгани учун унинг кўчиргани китобларини саҳофлар ва китобхонлар талашиб олганлар. Шоир Алманий мактабда ўқитиладиган китобларни ҳам кўчирадар вкан.

Мулла Фазлуллоҳнинг хати «хати нохин» деб аталаради. Чунки хатни чиройли ёзиш учун қамиш қаламнинг учини тез-тез текислаб турниш керак әди, шундай қилинмаса хат хунук ва чаплашган бўлиб чиқарди. Иккенинчидан, Мулла Фазлуллоҳ китоб кўчириб, саҳофларга сотиб оиласини зўрга таъминлар, бунинг учун китобни тез-тез кўчириш керак әди. Қамиш қалам шонрнинг талабига жавоб бермасди. Бундан қутулиш учун у кўрсаткич бармоғининг тирногини ўстиради. Уни текислаб, шу тирноғи билан китобни кўчиради. Бу тирноқ Мулла Фазлуллоҳ Алманийнинг хаттотлик талабларига жавоб беради. Мулла Фазлуллоҳнинг хати «хатти нохин» («тироқ хати») деб аталишининг сабаби ҳам шундадир.

Мулла Фазлуллоҳ ҳар жиҳатдан етук одам әди. У ўз илми, фаҳми-фаросати билан халққа маълум ва ҳозиржавоб шахс әди. Нозик фикрли, ақлли ва заковатли,

¹ Қиши кунларидан биррида онасп Фазлуллоҳни сандалга ётқизиб кўйиб, кир ювишга киришади. Гўдак эса тиширчилаб сандалга тушиб кетади. Шунда унинг кўзи атрофлари куйгэзи ва чандиқ бўлиб битгаме. Шоирни «Кўр Фазлуллоҳ» дейнишининг сабаби ҳам шундадир.

² Саҳоф — китобфуруш.

қобилиялти ва истеъдодли, ростгўй ва ҳақиқатчи бўлганни сабабли у «Алмай» тахаллусини олади. Унинг забардаст олим өканлиги фақат Тошкентга әмас, Кўён. Бухорога ҳам маълум әди: Нодирхон аканинг маълумотига кўра, Кўёнданда бир әшон мадраса солдирган. Эшон мадрасага мударрис қидиртирган вактида одамлар тошкентлик Мулла Фазлуллоҳни тилга олганлар. Эшон «гумбур» ароба юбортириб олиб кетган. Мулла Фазлуллоҳ Кўёндаги мадрасанинг ҳужрасида истиқомат килган. Бир куни әшон шу ҳужрага кирса, Мулла Фазлуллоҳ оёғини узатиб, китоб ўқиб ётган әкан. У әшоннинг ҳурматига ўрнидан турмаган. Эшон қаттиқ ранжиби, уни мударрисликдан ҳайдамоқчи бўлган. Бир куни әшон Кўёндаги уламоларни чақириб, катта зиёфат берган. Бу зиёфатга мулла Фазлуллоҳ ҳам иштирок ётган, аммо пойгаҳда ўтирган. Уламолар абжаднинг маъноси ҳақида мунозара қилганлар, аммо еча олмаганлар. Уламолардан бирни Мулла Фазлуллоҳга мурожаат қилиб:

— Мулла Фазлуллоҳ, қани сиз нима дейсиз? — деб унинг фикрини сўраган

Шоир уларни ҳажв қилиб:

«Абжадингни абу жадинг¹ билмас,
Каламани² биламан десанг куламан» —

деб жавоб беради. Бу уламоларга ёқмайди, хусусан, әшоннинг аччиғи чиқади ва Мулла Фазлуллоҳни мударрисликдан бўшатади. У яна Тошкентга келади.

Алмай ажойиб шоир әди. У газал, мухаммас, рунонӣ, чистон, қасидалар билан бирга ҳажвий асарлар ҳам ёзган. Улар шу вақтгача кўпроқ ҳалқ оғзида юради.

Революциядан илгари Тошкентда пода боқадиган маҳсус кишилар бўлар әди. Улар кишиларнинг сигир-бузоқларини далага олиб бориб боқар, кечқурун ҳар кимнинг молини ўз уйнга киритиб юборар әди. Кейин катта идиш кўтариб юриб мол әгасиникига кирап әди-да: «Оши ҳалол!» дерди, уй әгаси нима овқат қилган бўлса, шундан бир косани подачининг идишига соларди.

Бир куни шоир Алмай Тошкент шаҳар, Кўкча даҳа қозисининг уйнда ўтирган әкан, кечки пайт әшикдан

¹ Абу жад — бобо, ота-бобо.

² Каламан — абжад ҳисобидаги араб алфбеси йигиндисининг бир кисми.

қозининг сиғири кириб қелибди, орқасидан подачи кириб «оши ҳалол» деган. Шунда ҳозиржавоб шонр:

«Эй подачи содда,
Бу шубҳали замонда
Козини ҳовлисисида
Оши ҳалоли қайда?»— деб жавоб берган.

Бу тўрт мисра шеър шонр замонасининг ойинасидирки, бунда даврнинг шубҳа билан тўлганини, ҳаётда қатъият, одамлар орасида бир-бирига ишонч йўқлиги, бир-бирини алдаши, мамлакат ҳукмдори, шарнат пешвосининг хонадони ҳаром билан тўлгани фош қилинади. Юқоридаги тўрт мисра шеър ҳалқ оғзирадиги вариантидир. Лекин бунинг ёзма варианти ҳам бор: Шайх Сулаймон афанди Ўзбакий Бухорий «Лугати чиғатоий ва туркий усмоний» китобида Алманий шеърларидан мисоллар келтиради. Автор юқоридаги тўрт мисра шеърнинг қуйидаги вариантини беради:

Бу шубҳали жаҳонда
Бешубҳа моли қайда?
Эй подачи содда,
Оши ҳалоли қайда?

Албатта, бу сатира тўрт мисра билан чекланмайди, бунинг бошқа бандлари ҳам бўлиши керак, аммо йўқолган, баёзларда учратмадик.

Алманийнинг забардаст қалами замондошларининг диққатини жалб қилди. Машҳур демократ шонр Муҳаммад Аминхўжа Муқимий Алманий ва унинг ижодига самимият билан қаради. Филология фанлари доктори, профессор Гулом Каримовнинг фикрига қараганда, Алманий Муқимиининг тошкентлик өнг яқин дўстларидан бўлган. Муқимий 1887—1888 йилларда Тошкентга келиб, бу ерлик шонрлар билан танишган. Бу даврда Алманий 37 ёшда әди. Ҳар иккала шонрнинг ҳаётини бир-бирига жуда яқин, яъни ҳар иккоти қашшоқ ҳаёт кечирган.

Табиийдирки, Муқимий Алманий ҳаётлик вақтидами ёки Алманий вафот өтгандан кейинми, ҳар ҳолда унинг ижодиги билан танишади, демократ шонр Муқимий Алманий ва унинг ижодига ихлос билан қарайди. Бу унинг

Алманий газалларига мухаммас боғлаганидан яққол сезилади. Алманийнинг машҳур «Ҳаёт» радифли фалсафий газали Муқимиининг юрак дарди билан ҳамоҳангдир.

Маълумки, Алманий ҳам, Муқимиий ҳам ҳаётни севган, ҳаёт гўзалликларидан завқланган, ҳаётни кўпроқ ўрганишга интилган шонирлар әдилар. Улар асло тарки дунёчиликни тарғиб қиласадилар. Ҳар икки шонир ҳаёт тўгрисида ўйлади ва уни бирмунча тўғри тушунди. Бу соҳада Алманийнинг икки мисра шеърига Муқимиининг уч мисра шеъри ҳамоҳангдир:

Эй муҳаббат аҳлини жисмида жондур фикратинг,
Очсалар тил сўз демакда таржимондир фикратинг,
Бўлмаса юрмак тирик бир дам гумондир фикратинг,
Рагларимда қоним ўрнига ривондир фикратинг,
Пайкаримда оташи ишқинг әрур исир ҳаёт.

Бу икки самимий дўст ҳаётга шунчалик интилсалар, ҳаёт уларни шунчалик баҳтсизлик, толеъсилизлик гирдо-бига судраб киради. Ҳар иккала шонрининг баҳти бир хилда вожгундир:

Ранж-меҳнат согарин кимдурки даврон ютдуурур,
Толсум ҳам нечаким ортуқча пинҳон ютдуурур,
Чарх селисиэ Муқимиийға қачон нон ютдуурар,
Алманига баски баҳти дам-бадам қон ютдуурур.
Маргдур ширии қотида заҳридин аччин ҳаёт.

Бу каби мисралар ҳар иккала шонрининг фалсафий фикрларини, уларнинг эстетик қарашларини яққол ифода өтади, ҳаёт гўзаллиги ҳақида ҳеч қайси шонирда акс өтмаган ажойиб фикрлар баён қилинади. Бундай фалсафий Фикрлар шонир Алманийнинг «Этти» радифли газаллида яққол сезилади.

Фалак ҳар кимни аъло рутба қилса, бесабаб әрмас,
Қуёшни ерга киргизмоқ учун билғил баланд әтти.

Шонир Алманий ижодида ҳаётдаги адолатсизликка қарши нафрат ва газаб асосий ўринни өгаллайди, бу адолатсизликнинг ҳаётдаги гўзалликни сўндиришидан қайтаради. Бу эса Алманийнинг эстетик дунёқарашини белгилайди:

Фалак қажравлигидин шиквалар қилсам, тонг әрмаским,
Хумога устихон ташлаб, чибинга таъма қанд өтти.

Алманий ҳар томонлама стук шоир бўлган. У ҳам ўзбекча, ҳам форсча, ҳам арабча пухта шеърлар яратса олған. Шоирнинг ўзбекча «Этти», «Қиласанг-чи», «Ҳаёт», «Ярасу», «Ғамланмасун» каби газаллари, форсча «Ҳат», «Ҳандад» каби газаллари, қасидалари, рубоий ва чистонлари бор. Шунингдек «Мухаммаси Алманий бар газали Жомоний» асари ўзбекча, форсча ва арабча ёзилган. Шоирнинг Гулом Ҳасан Орифжон ўғли босмахонасида босилган «Шарҳ мулло» китобига кирган «Ҳаза назму авзону жумуъ-ли-қори Фазлуллоҳи — аш-Шоший тахаллусиа Алманий тобolloҳу сароҳу» (Бу назм — «Жамлар ўлчови» Қори Фазлуллоҳ тошкентликники, таҳаллуси Алмоний...) сарлавҳаси остида босилган 80 мисрали шеърни арабчадир. Бу шеър 1297 (1879—1880) йилларда ёзилган. Бунда шоир араб грамматикасини шеър билан баён қилган. Қисқаси Алманий ўз даврининг машҳур шонрларидан эди. Унга замондош шонрлар кўпинча ўз шеърларини кўрсатар ва ундан таълим олар әдилар. У ёш шонрларни тарбиялашга ҳам алоҳида эътибор берган.

Алманий араб ва форс тилларини мукаммал өгаллаган ажойиб таржимон әди. Тошкентда ва Ўрта Осиёning бошқа шаҳарларида шоир Алманийдек пухта илмга әга бўлган шахс кам топиларди. Таржималарни ҳам гоят пухта қиларди. Энг қадимий ҳинд масалларидан бири, жаҳон адабиётида муҳим ўрин өгаллаган «Калила ва Димна» асарини ўзбек тилига таржима қилди. Пенсионер Абдуғафур ота (Ҳақирий) ва Нодирхон акалар бу таржима ҳақида шундай ҳикоя қиладилар: Муса қози «Калила ва Димна» асарининг муҳлисларидан әди. Уни Алманийга ўқитиб, оғзаки таржима қилдириб әшитар әди. Муса қози Алманийдан «Калила ва Димна»ни таржима қилиб беринишни илатимос қилган. Алманий рози бўлган ва уйда таржима қиласа, уч йилда, агар шаронит тугдириб берилса, уч ойда тугатажагини айтган. Муса қози унинг жавобига ҳайрон бўлган. Шунда Мулла Фазлуллоҳ сўзини давом өттириб: «Тақсир, ҳайрон бўлманг, уйда ишласам, болаларим, у йўқ, бу йўқ», деб ҳархаша қилади, мен албатта, уларни таъмин қилишим керак, таржимага босим ўтира олмайман, рўзгор ишига овора бўлиб кетаман!» деб жавоб берган ва Муса қозига ҳазил мутойиба қилиб:

«Уним йўқ, муним йўқ,
Кўчадан ҳам унум йўқ,
Айтишга ҳам уним йўқ,
Ейишга ҳам уним йўқ»—

деб ўз ҳолини изҳор қилган. Муса қози шонрии ўзининг меҳмонхонасига олиб кетган ва оиласини моддий жиҳатдан таъминлаб турган. Шонир Алманий уч ойда ҳинд масали «Калила ва Димна»ни Анвар Сухайлий форс тилига таржима қилган вариантидан ўзбек тилига таржима қилди. Мазкур таржима 1898, 1901, 1913 йилларда Тошкентда уч марта нашр қилинди. Мулла Фазлуллоҳ таржимага ижодий ёндошли ва XIX аср ўзбек тилининг бойликларидан мукаммал фойдаланди, хусусан, шонир Алманий «Калила ва Димна» асаридаги ҳикматли сўзларни эўр бадиий маҳорат, юксак услугуб билан таржима қилди. У асардаги ҳикматли сўзларга ижодий муносабатда бўлган, шунинг учун ҳам биз уни мазкур тўпламга киритдик.

Мулла Фазлуллоҳ Алманийнинг бу таржимасини ўзбек китобхони эўр қувонич билан қабул қилди ва шонир таржимонга миннатдорлик билдириди, бу таржимани ёшлардан тортиб кексаларгача севиб ўқидилар. «Калила ва Димна»нинг Алманий таржимаси ҳозиргача ҳам қимматли адабий ёдгорлик саналади.

Шонир Алманий бадиий ижод соҳасида ҳам баракали ижод қилган. Қизи Ҳалима онанинг айтишига қараганда, Алманий девон ҳам тузган, лекин унинг кимнинг қўлида эканлигини аниқлай олмадик. Ҳалима она 20 мисра шеърни ёд ўқиб берди. (Бу шеърий парчани ҳам тўпламга киритдик). У бу шеърни Алманийнинг «Маснавий шариф» деган асаридан парча эканини таъкидлади. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, Ҳалима онанинг биэга ёд айтиб берган шеъри Жалолиддин Румийнинг «Маснавийси»нинг таржимасидан парчадир. Демак Алманий Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сини ҳам ўзбек тилига таржима қилган, аммо бу таржима ҳам йўқолган.

Шонир Алманий ҳаётнинг оғирлигидан қирқ ёшни энг яхши умр деб ҳисоблаган. Унинг бир шеъри шундан дагололат беради:

Умр агар қирққа етса маъмур бўлардим,
Яъни кўп умр кўрган бўлардим.

Шундай талантли шоир, истеъододли арабшунос, олим, моҳир таржимон ўз даврида хор-зор бўлиб яшади ва ижод қилди. Утмишининг машъум ҳаёти илгор фикрдаги шоир ва олимларга кулиб боқмади, халққа хизмат қилганлар ҳаётининг оғир мусибатларини бошларидан кечирдилар: Огаҳий, Гулханий, Махмур, Ҳозиқ, Мужрим, Аваз, Комил каби мутафаккир шоирлар азоб-уқубатда яшаганлар. Алманий ҳам шуларнинг бирни әди.

Мулла Фазлуллоҳ Алманий 1312 (1894/5) йилда Тошкент шаҳрида вафот этди. У Қаффол Шоши (Ҳазрати имом) яқинига дағи қилинган. Мулла Фазлуллоҳ Алманийнинг вафоти ҳақида Ҳотиф деган шоир 28 мисрали тарих ёзган. Бу Сайд Роқимнинг «Тарихи Роқимиий — тарихи касира» номли китобининг охирида сақланади.

Мулла Фазлуллоҳнинг ҳаёти ва ижодини тиклашда тошкентлик қариялар бизга ўзларининг самимий ёрдамларини аямадилар. Улар шоир ҳақида дилларида бор фикр ва мулоҳазаларини автор билан баҳам кўрдилар. Ҳусуссан, бу соҳада Ўзбекистон Фанлар академияси Пушкин номидаги тил-адабиёт институтининг собиқ илмий ходими, пенсионер Шотурсун Шомақсудов қўлида бор материал билан бизга кўмаклашди.

Бизнинг бу ишишимизга яқиндан ёрдамлашган Бирунний номидаги Шарқшунослик институтининг илмий ходимлари А. Жувонмардиевга, А. Носировга, Қ. Муродовга, Тошкент кексаларидан Ҳалима онамизга, Шотурсун Шомақсудовга, Нодирхон Аловуддиновга, шоир Абдул-Фафур — Ҳақирийга, шоир Чустийга, Алманийнинг набираси, босмахона ишчиси Фаҳриддин Йўлдошевга, Ислом ота ва Назир оталарга самимий ташаккур билдирамиз.

СУБУТОЙ ДОЛИМОВ.

Филология фанлари кандидати,
доцент.



ҲАЁТ

Эй ҳаёли жоним ичра танда жон янглиғ ҳаёт,
Келки, сансиз талх бўлди жонима тотлиғ ҳаёт.

Рагларимда қоним ўрнига равондур фикратинг,
Пайкаримда оташи ишқинг әрур исиг ҳаёт.

Ҳажрида тунларни ўткардим тирикдурман ҳануэ,
Эй, ажабким, мунча ҳам бўлмиш манго қаттиғ ҳаёт.

Ашклиғ туфроғим узра руҳдек ургил нафас,
Бўлмагай нуқсон дамингдин тобса бир болчиғ ҳаёт.

Айбжў душманларим комига қилғунча асир,
Манга, эй тақдир, мақсадим будурким йинғ ҳаёт.

Умр агар хуш ўтса умри Нуҳ ҳам камдур валие,
Кўб узундур кўз юмуб очқунча кулфатлиғ ҳаёт.

Алманиға баски бахти дам-бадам қон ютдурур,
Маргдур ширин қотида заҳридин ачинғ ҳаёт.





ЯРАШУР

Дедим: қулогиннга олтун исирга тақ, ярашур,
Деди: тешуклари оғрийди тор, майлигаму?

Дедим: сочиннга улағил кумуш попук, ярашур,
Деди: белимга тегиб оғратор, майлигаму?

Дедим: қўлингга жавоҳир узук солгила, ярашур,
Деди: қўлимда сўнгок йўқ сиқор, майлигаму?

Дедимки кўксуннга гуҳардин айлағил маржон,
Деди: оғир на қилурман букор, майлигаму?

Дедим: ифакдин ўлан шоҳидин кийинг кўйлак,
Деди: бу оқ баданимга ботор, майлигаму?

Дедим: оёғингга кийгила қаро қиримдин кафш,
Деди: қабарса нетарман бекор, майлигаму?

Дедим: висолингла Алмайни қил меҳмон,
Деди: ойим урушур ҳам сўкор, майлигаму?





ҒАМЛАНМАСУН

Ғуссадин, ёраб, муборак хотири ғамланмасун,
Қадди шамшоди малолат боридин ҳамланмасун.

Оҳуйн дашти Ҳўтав зоғи сиёҳи болу пар,
Шўридин сув ичмасун, яъни кўзи намланмасун.

Етмасун андуҳ илки доманинг гардига,
Бодаи ишрат шакардек комига самланмасун.

Базм бешамъи руҳи оламда равshan бўлмагай,
Бегули рўйи жаҳонда боғ хуррамланмасун.

Нашъадин боши, қадаҳдин илки, гулдин домани,
Жилвадин қадди, табассумдин лаби рамланмасун.

Эзоҳир ўлсун шомидин юз субҳ субҳидин нишот,
Фунчасидин гул гули офатга мунзамланмасун.

Равshan ўлғай ахтарию комронлиғ шеваси,
Сояи сарви бошингдин Алманий камланмасун.





БАЛАНД ЭТТИ

Азал деққони қаддинг нахлини то сар баланд әтти,
Мұғаббат риштасин күнглум қуши бүйниға банд әтти.

Бути номеҳрибоним масти лояъқыла чиқиб ваҳким,
Бошимға секратиб хоки таним гарди саманд әтти.

Бу кун ман ёрдін гар шиква қылсам айб қылманглар,
Ки ман жон бердиму ағсрни ул аржуманд әтти.

Ямон күә тегмасун, деб ұснира ул хўблар шоҳи,
Жамоли оташинга донаи холин сипанд әтти.

Ҳама ушшоқ өлин қатл әтгали бебок жалладим,
Қошидин тиғ тортиб тор кокилдин каманд әтти.

Фалак ҳар кимни аъло рутба қылса бесабаб әрмас,
Қуёшни ерга киргузмоқ учун, билғил, баланд әтти.

Шакар лаблар табассум қылсалар күнглунгни олдурма,
Мени йиғлатти аччиғ ҳар қачон гул нўшиханд әтти.





* * *

Эй худо, қишини ёз қилсангчи,
Танчадин бениёз қилсангчи,
Қор ўрнига сабзалар чиқориб,
Қарға жойига гоз қилсангчи.
Аҳмону, даҳмону, ажузингни —
Ҳаммасин бир жувоз қилсангчи.
Қишини умрини бир нафасча қилиб,
Ез умрин дароз қилсангчи.
Е совуқ била қишини бир йилча
Бир-биридин ароз қилсангчи.
Е бериб сабр ила таҳаммулни,
Уд айшини соз қилсангчи.
Е ситамгар жафочи ёримни
Бир манга дилнавоз қилсангчи,
Алманийдек қулингни, эй юзи гул,
Бир қараб сарфароз қилсангчи.



85026



Х А Т

Жуз қумоши атр жинсе нест дар дўкон хат,
Файри мадҳ хати саводе нест дар девон хат

Чист аз фикри лабаш жуз тийра бахти ҳосилам
Бар лаби кавсар чи мерӯяд ба жуз райҳон хат.

Пай ба рамзи диққати мазмун чу бурдам мў-бамў
Файри мадҳ хати саводе нест дар девон хат

Баски абри сунъ борони латофат рехтаст,
Жуз бинафша сабза мумкин нест дар бўстон хат.

Инқадар диққат писанди, аз расон, Алмайӣ,
Зонки ҳусни норасон дошт бедилхон хат.

Таржимаси

Хат дўконида атран бошқа матоъ (нарса) йўқ, хат
Ҳиндистонида (мушкин) тимқораликдан бошқа
бўлмайди.

Ёримнинг лабини ўйлашимдан бахтим қора бўлди,
чунки
кавсар лабида хатти райҳондан бошқа гиёҳ унимайди.
Мен қийин, нозик маъноли сўзлар мазмунини камол

¹ Хат 1) қогозга ёзилаган ҳарфлар 2) қош, кўз, мўйлов, юздаги қоралар

диққат билан ўргандим, бироқ китобларда хатни
мақташдан бошқа (сўз) ёзилмаган экан.
Модоминки, санъат булути гўзаллик ёмғирини ёғдирар
экан, хат бўстонида бинафшадан бошқа (нарса)
кўкариши мумкин эмас.
Етуклик, диқкатликни севиш Алманийда шундан пайдо
бўлдикки, у (Алманий) норасо хатларни (кўп) ўқир әди.





* * *

• • • • • • • • • • • • •

Маро то қазо жоми дар ке би паймуд,
Нагардид фориғ зи андуҳ хотир.

Зи омизиши ин груҳи жавоҳил,
Ба гирдоби жаҳлам чунон гашта доир,

Ки гўйи надонам саро аз сурайё,
На изломи муэллим, на танвири ноир.

Шууру тамизам ба ғафлат мутовесъ,
Ба мулки вуқуфам шаҳи саҳв қоҳир.

Агар буди вожиб ба мумкин мусоҳиб,
Намуди ба имкони ў ҳукми нотир.

Фароғат ба банди ҳамиша мунозеъ,
Вале ғам чу хун дар замира мужовир.

Дилам пора-пора аз ақволи аҳбоб,
Чи гўям худ аъдо афон маосир.

На ҳимматки буррам зи гардан алойиқ,
Ниҳам пой мардона андар жазонр.

Ба суккони онжо диҳам тарҳи улфат
Ки, беҳтар бувад ғул аз ин бе басонр.

На буда маро қуввати нукта гўйи,
Ки бошад писандида назди акобир.

Чу мактуб восил шуду кард хуррам,
Ба навъеки маҳмурро ҳамри ҳомир.

Бафаҳвои он нома самъян ва тоатан,
Баавни хитоби ту гаштам мубодир.

Эн ғам нафратае то бувад дар ҳалойиқ,
Чу шоди шави дилнишини саросар

Таржимаси:

Менга тақдир оинг пиёласини тутгандан бошлаб, дилим
қайғудан қутулмади.

Бу хил билимсизларга аралашганимдан, нодонлигим
гиордеби шундай айланники, на ердан кўкни ажратаман:
на қоронгилик бўлиб қора, на ойдин бўлиб ёруғлик
дейсан.

Борлиқ сезгим гафлатга қарам, ҳолимнинг бу
мамлакатига хатолик подшоси ғазабли ҳоким.

Агар «мумкин» билан «вожиб» (бажарилиши мажбурӣ,
зарур бўлган нарса) биргалаша олганда эди, («вожиб»)
«мумкин» (даражасига қадар ўсишда) боғбонлик ўз
хукмини юрита оларди.

Хурсандлик мен билан ҳамиша жанжаллашади ва лекин
қайғу юрагымда қон каби яшайди.
Дўстлар сўзидан дилим пора-пора, душманларим жонли
илонлар (бўлгандан кейин), мен нима ҳам дея олардим.

Гайратим йўқ-ки, бўйнимдаги алойиқ (алоқа, борди-
келди), ипларини узиб ташласам-да, мард кишилардек
ород жазирига қадам қўйсам (бош олиб кетсан).

У ер (жазира) итлари турғинлари билан улфатчилик
йўлини тутиш, ваҳший ҳайвонлардан қўрқиш, бу кўр-
лардан хавфда бўлишдан яхшироқдир.

Улуғларга мақбул бўладиган чуқур маъноли сўз дейишга
қувватим йўқ.

Бироқ хат келиб тегиб, шундай севнитирдикни, майхонадан
тўйиб май ичган хумори одам каби бўлдим.

У помани әшитиш биланоқ, бўйсунуб мағҳумига кўра
сенинг сўз таважжуҳинг ёрдамида тезлик билан гайрат
қилиб ишга киришдим.

Қачонки ҳалқ ғамдан жирканса, шодлик каби тўлиқ
кўнгилли бўласан.





* * *

Гурурий хубий намегузорадки, бар губорам расад
гаҳат по,
На толес каш барад насиме ба жилвагоҳат гаҳи тамошо.
Лабатки жон аст, майи равон аст ба лаълу ёқут шабиҳ
бошад,
Зи сангি хоро агар тарошад сафед кӯҳе дами Масиҳо.
Агар сабоҳам кунад табассум вагар дурахшад чироги
анжум,
Намесароям жуз ин тараниум, наменамоям жуз ин
таманно.
Мукарратат боду дар барат бод, мукарратат бод,
муяссарат бод,
Сарири роҳат, қабойи иззат, наботи ишрат, зилоли
саҳбо.
Ҳароби шавқат зи баски гаштам, ҳумори ҷашми чу
турки мастан,
На дар сарам майли сайри гулшан на дар димогам
ҳавойи мино.
Умеди васлат, ҳароси фаслат агар на бинам ва гар бу
бинам,
Ниҳод хорам ба жайбӯ доман рабуд аз дил шакибу ёро.
На бар жунунам асар ҳамоғуш, на дар фунунам натижа
бардӯш,
Чи сехр дорад муҳаббатат кӯ накард ҳечам ҷағарки расво.

Матоъ — косид, хаёл — фосид, ҳасуд — ҳосид, замона —
муфсид.

Заданд кўси, раҳил сабрам, баунф карканд асири савдо.

Таржимаси:

Гўзаллик ғурури аёғингни губоримга тегизмоққа йўл
бермайди, бизда у толеъ йўқки, бир ёқимли меҳрибон
шамол томоша қилиш учун сенинг жилвагоҳинингга олиб
борса.

Лабинг жондир, лаъл ёқутга ўхшаш қон томирида
юрувчи майдир. У лаъл ёқутни оқ тоғдан Масиҳо
нафаслари билан тарашлагандир (йўқса бундай силлиқ
бўлмасди).

Агар эрта тонг чиройини очса, агар юлдузим чирогини
ёндирса, бу гўзал нагмадан бошқа чалмайман ва бундан
бошқа орзу тилагим ҳам йўқ.

Роҳат таҳти, иззат либоси, ишрат шакари ва соғ шарбат
қайта-қайта қулайлик билан доим қўлингга кирсин.

Сени кўриш иштиёқида хароб бўлдим, мастлик хумор
қилгандек, сенинг кўзингга кўзим хумор бўлди:
(натижада) на димоғимда май орзуси ва на бошимда
гулшан сайрининг хаёли бор.

Агар кўрсам ҳам, вагар кўрмасам ҳам сенинг васлинг
умиди ва айрилиқ хавфи юрагимни тирнайди, сабру
тоқатимни этак барига солиб олиб кетди.

На девоналигимга таъсир қилолди, на ҳунаримдан (бир)
натижка чиқди, унинг муҳаббатининг қандай сеҳри борки,
менга расвогарчиликдан бошқа нарса бўлмади.

Матонинг бозори касод, (одамларнинг) хаёли буэуқ,
ҳамма бир-бирини кўролмайди, замонининг (шу)
буэуқлиги менинг сабр-тоқат карвонимни йўлга солиш
учун кўчириш довулини чалдилар, зўрлик билан савдо
(ғам-ташвиш)га асири қилиб бердилар.



ХАНДАД

Асири як лаби лаълам ки гар ханад шакар хандад,
Сухан гўяд, гуҳар борад бирезад гул, агар хандад.

Эн таклифи жунун охири ба расвойи алам гаштам,
Ки он шўхи пари пайкар кунад бози магар хандад.

Ки ғайр аз ман ниҳода пой бар меърожи расвойи,
Касам дар шом агар бинад зи ҳайрат то саҳар хандад.

Ба осоний ба каф новардаам домони иш давлат
Ба ҳолеамки душман гиряду аҳбоб дар хандад.

Сивои акси матлаб нест дар дасти ману ибром,
Малак бар жойи омин э-ин дуон бе асар хандад.

Бурун меоварам аз сина оҳи сард гоҳе-гоҳ,
Чу шабнам об мекардамки он гулбарги тар хандад.

Мапурс, эй Алманий, аз тийрагии шоми идборам,
Барангти субҳи козиб тийра баҳтам ҳар қадар хандад.

Таржимаси

Мен бир қизил лабга асириманки, агар (у лаб) кулса,
шакар томади, сўзидан гуҳар ёғади, кулгисидан гул
тўклилади.

Зора у шўх пари ўйнаб кулса деб, жунун буйругини
бажариб, охири расвоник билан таниладим.

Расвоникнинг авжига мендан бошиқа ким оёқ қўя
олибди, агар бирор киши шом пайтида мени кўраркан,
саҳаргача кулади.

Бу давлат әтагини мен осонлик билан қўлга киришганим
йўқ, шундай ҳолда менки, душман қўрса йиғлайди,
дўст кулади.

Мен дуога қўл кўтарсан, тилагимнинг тескариси бўлади,
Фаришталар менинг дуомга омин дейиш ўрнига
куладилар.

(Мен) дам-бадам юрагимдан совуқ оҳ чиқараман, у янги
очилган гул барги кулсин деб, шабнам каби сув бўламан.

Эй Алманий, баҳтсизлигим шомининг қоронгулигини
сўрама,
Баҳтим қанча кулса ҳам, субҳи козибга ўхшаш қорадир.





МУШОИРА

Агар ориф әрурсан дўст ғайридин әтот силкит,
Жаҳонни бор-йўқидин қўлунг юв, кўзни юм, тур, кет.

Демишлилар нуктадонлар: «Оч қорнинг-у, қулоғинг тинч».
Бухорда агар хушвақт әрмасман — Бадахшон кет.

Муродинингга агар етмоқ тиларсан саъии кўб айла,
Ошуқ олчи қўпар аксар қилурлар гар они кирпит.

Кўнгул тинмасга қонди кунда юзминг орзу бирлон,
Ризо кўйига то қўйғил қадам, ул орзу тарк әт.

Ямонлар кўмсалар қаддингни зарға, кўрсат истиғно,
Кўнгул тортар кишиға суртул-у қўйинингни сандуқ әт.

Жаҳолат аҳлиға ҳарғиз қўшулма то тирикдурсан,
Жаҳолат аҳлидин минг йўл фарзундур мисли хирсу ит.

Агар ҳар иш қилурсан ҳамроҳи ўзиңгга ўхшаш топ,
Кетар ҳар ёнға сакраб бурга, аммо қўлга тушгай бит.

Эмас мардуд ҳусн аҳли киёrlар гар ямоғлиғ тўн,
Дема маҳбуб саҳроийи қилур гар кўйлагини чит.

Бу сўзларни дедилар Алманию Мир Фаттоҳий¹
Тило суйи билин кўрган замон заррин қалам қиа; бит.

¹ Мулла Фаттоҳ домла Тошғент шаҳар, Гузарбёши маҳаллалик бўлиб, Алманийнинг эрг яқин дўсти ёди. Мулла Фаттоҳ домла Алманийнинг таржимаси «Калила ва Димна»ни биринчи бўлиб кўчириган ҳаттот ёди. Унинг кўчириган қўл ёзма нусхаси тузувчининг шахсий кутубхонасида. Бу мушонра Алманий ва Мулла Фаттоҳникинидир.





РУҲИ РАВОНИМ

(*Muxammas*)

Эй мусаффо синаси руҳи равоним сен мени,
Шаҳри ёрим, сен бегим, сен яхши жоним сен мени,
Кечаси шамъим, чирогим, маҳ нишоним сен мени,
Кундузи бўлгонда хуршиди жаҳоним сен мени,
Қиссани кўтаҳ қиласай, ороми жоним сен мени.

То вужудим бўлди кулфатлиғ жаҳонга ошино,
Ҳам думогим ичра осори шуури тобти жо,
Бўлмади ғам панжасидин бир нафас жоним жудо,
Эй юзи гул, ёсуман пайкар кўзи, қоши қаро,
Лутф қил, гар ўлдурурсан, меҳрибоним сен мени.

Булҳаваслик ишқа машраб әлга баским кўб әмас,
Сарвни раъно қади мутлақ менга марғуб әмас,
Гулистон рангин тамошоси манго матлуб әмас,
Сарв қадлик нозанин гулбарг худ маҳбуб әмас,
Сарв қаддим, ёсуманим, гулистоним сен мени

Эй тили ширини, сўзи оби ҳаёт, тиши гуҳар,
Қомати туби, юзи жаннат, лаби кавсар асар
Ҳақ таоло раҳматидин халқ бўлмишсан магар,
Барча маҳбуб сенсен, лекин биза солғил назар
Такягоҳим сен, иноним сен, паноҳим сен мени.

Ушбу ғам заңжирига кўб муддат ўлдим пой банд,
Майл қилмас әрди манга ҳаргиз ул сарву баланд,
Шукрким бу тун висолиғин қилибдур баҳраманд,
Үртамиэда гайр қилча бўлса ҳам әрмас писанд,
Алмай сандин бўлак ким қадрдоним сен мени.





ЖОМИИ ҒАЗЛИГА МУХАММАСИ

Зода ли зикру ман аштоқа илайҳи даҳаший,
Манаму то ба қиёмат ҳама ошиқ-маниший,
Менга манзур әмас зуҳуд әли роҳу равиший,
· · · · ·
Ки бувад дарду гамаш мояни шодию хуший.

Зола сабрий ҳазанан сола минал айни дамий,
Ким қилиб баҳт мадад қолмаса ҳижрон алами,
Бўлса бир кеча мұяссар манга тавфи ҳарами,
Фаҳми розаш на кунам, ў арабий, май ажамий,
Лоғи меҳраш чи занам ў қураший, ман хабаший.

Қиссан тавфи ҳарам аз мани побаст мапурс,
Аз қарам ҳоли ҳаробеки ба ман ҳаст мапурс,
Хор-хореки диламро бидаридаст мапурс,
Сифати бодай ишқаш зи мани маст мапурс,
Завқи ин май на шиноси ба худо то начаший.

То қазо чекди дилим сафҳасига меҳр рақам,
Тушмади бошима савдои таманнои Эрам.
Бас әрур орзун равзан Батхоу ҳарам,
Гарчи сад марҳала дураст зи пеши назарам,
· · · · ·

Ажабан лиссифали вал амалил олий-шон,
Мезанам наъран шавқи дари ў аз дилу жон,
Гарчи ораст бавай ишқи мани хок нишон,
Зарраворам ба ҳаводорин ў рақс кунон,
То шуд ў шухран оғоқ ба хуршедваши.

Ҳамчу ў нест ҳабиби мутаолий даражот.
Ки бувад душманни ў дар бари нори даракот,
Баски шуд ошиқияш зомини чандин баракот,
Маслаҳат нест маро серий аzon оби ҳаёт,
Зоафаллоҳу биҳи кулла замонин аташий.

Алманий хотирга хушлик әмас онча писанд,
Ки ғами бирла әрур кечаю кундуз хурсанд,
Булҳаваслар ишидир айшга бўлмоқ побанд,
Жомий арбоби вафо жуз раҳи ишқаш на раванд
Сар мабодат гар азин роҳ қадам боз каши.

Таржимаси:

Софинган кишимнинг зикри (исми ва сифатининг
әтилиши) менинг хайронлигимни ошириб юборди.
Мен қиёматгача худди шундай ошиқлик вазъиятида
бораман.
Зоҳидларнинг йўли ва юриши менга манзур әмас,
• • • • • • • • • • • • • • •
Чунки севганимнинг дарди, ғами менинг учун шодлик
моясидир.

Хафаликдан сабру тоқатим кетиб, кўзимдан қон оқадики,
бахтим мадад қилиб, ҳижрон алами қолмаса, бир кечадан
унинг ҳарамини айланмоқ насиб бўлса. Унинг сўзлаган
сўзининг маъносини ўзилик фахмлайман, чунки у араб,
мен ажамман.
Қандай қилиб мен унга муҳаббатимни изҳор қиласки, у
қурайший, мен ҳабашийман?

Ҳарам айланышнинг қиссанини мен — оёғи боғлангандан
сўрама.

Менга шафқат қилмоқчи бўлиб, ҳолимнинг хароблигини
сўрама.

Муҳаббатиниг дилимни пора-пора қилганини сўрама.

Ишқи майининг кайфини мендек мастдан сўрама.

То шу майни ичмагунингча унинг завқини билмайсан.

Таажжуб бир кишиданки, ўзи пастда туриб, юқоридаги
умидга интилади. Мен хурсандликимдан, жон-дилимдан
оҳ тортаман. Агар мендек хоксорнинг унга муҳаббати
айб бўлса ҳам, заррача офтоб нури тушганда қандай
ўйин қилгандек, мен ҳам севинганимдан рақс қиласман,
чунки у нур сочиш билан оламга машҳур бўлди.

Унга ўхшаган улуғ даражали дўст ҳеч ерда йўқ.

Унинг душмани разилликда куяди,

Унга муҳаббат баён қилиш бир қанча баланд даражага
кўтаришишга сабаб бўлади.

Ҳудо менинг унга бўлган ташналигимни ҳама вақт
oshiраверсин.

Алмайнинг хотираси хурсандликни унча қабул
қилмайди, чунки (Алмай) унинг ғами билан
кечаю кундуз шодир. Айшу ишратга берилмоқ —
булҳаваслар ишидир. Эй Жомий, вафоли одамлар
унинг муҳаббати йўлидан бошқа йўлга юрмайдилар.
Агар шу йўлдан қадамингни уэсанг, бошингдан жудо
бўлгин.



МАСНАВИИ

(Жалолиддин Румийдан)

Тинглағил найни, ҳикоятлар қилур.
Ул жудоликдин шикоятлар қилур.
Ул мани қилгач наистондин жудо,
Халқи олам ичра бўлдим бенаво.
Беҳисоб синашда бор шарҳи фироқ.
Шарҳи қилсам, жумла дарди иштиёқ.
Гар киши ёд этса доим аслини,
Истагай ҳар рӯзу шаб ул васлини.
Ман анинг ҳажрида қилсам нола-зор,
На қилай бадларга бўлдим соэ кор.
Кимки дардим бирла бўлса ёрман,
Истагай синамда нур асрорман.
Сирри бу олам ва лекин дур әмас,
Нури бу кўзу қулогинг дур әмас.
Маснавий ойинай асрор дил,
Маснавий анжимани асрор дил.
Маснавий дарди ниҳолларга даво,
Маснавий носур жонларга шифо
Маснавийдур маъниий дил ишқидур,
Маснавий ҳам жони, ҳам жонон әрур.





ҲИКМАТЛИ СУЗЛАР

Шаҳаншоҳ яхшилиғи доддур,
Анинг адлиидин юрт ободлур,
Пушаймон агар бўлса ул додгар,
Бўлур зулмидин юрт зеру забар.

Синдурма талаб илкини суҳбат әтогидин,
Хилватда кўб ўлтурмаки, девона бўлурсен

Ушла жамият әтогин, ишлагида.
Ҳеч иш ёлғузлиғ илон бутмогой.

Низо андог солур ўтлар жаҳонга,
Ки ондин кўйгуси олам бориси.

Мансаб учун лоф урурлар басе,
Мол учун жаҳд қилурлар басе.

Қулоқ солма сўз деса соҳиб гараз,
Ки қўнглиладур гинадин кўб мараз.
Бузар бир нафасда ики олами,
Паришон қилур хотири одами.

Фикр әтарман ҳар на ким дунёда бор,
Яхши отдуру яхшиларнинг ҳосили.

Адолат нури бирла юртларни қилди нурони,
Адолат бирла равшан бўлғой ойин жаҳонбони.

Ранятдин олма риоят қўлини,
Риоятга тобшур ранят йўлини.

Қўҳна ёрингни қўлингдин бермагил,
Янги ёринг бирла мажлис қурмагил.

Айш қил то кўз юмуб очгунча фурсат ўтмайин,
Келгуси фасли ҳазону навбаҳордин ўтгуси.

Айламасанг то қадаминг уствор,
Қўйма бир ишга қадаминг зинҳор.

Шоҳни суҳбатидин әт парҳез,
Куйдурур ҳасни, чунки шуълан тез.

Ҳасад ҳар ерда ёндурса аловни,
Қилур кул ҳосдин сўнгра биронни.

Бўйла демиш даҳрини дониш фани,
Экма ямонлиғки, ўрарсан ани.

Ситамгар зулмидин ёқти аловни,
Ўзин куйдуруди-ю, яна биронни.

Ҳасмдин сўнгра бир нафас олмоқ,
Дема юз йил ҳаётдин яхши.
Ҳасмдин бир нафас қутулмоғлиқ,
Бизга жумла ҳаётдин яхши.

Шоҳлар суҳбатин қиёс әтгил,
Қаъри йўқ баҳр аросида чўммоқ.

Бўйла дарёда хавф бирла хатар,
Ким яқинроқ әрур пушаймонроқ.

Ўюлсун бад андешни кўзлари,
Ки айб ўлгусидур кўзига ҳунар.
Ҳунар бир бўлуб бўлса етмиш айб,
Қилур дўст ул бир ҳунарга назар.

Яхшилиғ әтса киши, ул етгуси
Айласа гар зиш ҳамул етгуси

Кўб зиёда истамоқдин тий, ишларга зиёни,
Истасанг гар суднинг андоғадин кўб истама.

Тамаъ баҳридин ўтким, балойи жон әрмиш,
Ки томесъ ҳар қаерда ҳар кишидин мунфалил
әрмиш.

Шоҳдин тутмоқ вафо уммид андоғдур киши,
Истағай сарву саҳининг шоҳбидин кўп мевалар.
Хушдур ул умреки ёру ошно бирлан ўтар,
Яхшидур улдурки ёри меҳрибон бирлан ўтар.

Егил зердастлар ғамин зинҳор,
Санга ҳам забардаст әрур рўзгор.

Дўстинг гарчи минг әрур камдур,
Душманинг бўлса гар бир-у кўбдур.

Бехирадким ўзгаларни ранжи бирла шоддиր,
Истама андин вафоким барчадин озоддири.

Кимки аслида бад умид әрур,
Яхшилиғ ул кишидин әтма умид.
Чунки жаҳд ила бўлмағай ҳаргиз,
Бир қаро зогни қаноти сафири.

Мустамеъ сўзингни гар әтмас қабул,
Қилмагил беҳуда кўнгилни малу...

Ҳеч кимдин тутмагил пандинг дариг ва сўзлағил,
Мустамеънинг жонибидин гарчи фаҳм әтсанг
қусур.

Тоғдин олмас қатрае, боронини ҳаргиз булат,
Гарчи етмас сангнинг хорлиғи узра футур.

Ҳар неча саъй айласанг тилло учун
Зарни миқдорича бўлғай ғам фузун

Чиқмагил маккорликни томиға,
Тушкасен анда балонинг домиға.

Кимки хиёнатга қўюбдур аёқ,
Охири шармандан расво қилур.
Ҳийла йилондурки иккি боши бор,
Неча зарар ҳар бири пайдо қилур.

Эмас мумкин ҳалойиқдин чу қочмоқ,
На хилват әшигини юзга очмоқ.

Керакким яхши ҳамдам қиласа ҳосил,
Ки суҳбатга ярашмас ҳар сияҳдила.

Душман доноки қасди жон қилур,
Дўстлиғидин яхшиким нодон қилур.

Макр шарри теккуси маккорға,
Ғадр бермас фойдадан ғаддорға.
Яхшилиғни ҳийладин тутма умид,
Бўлмағай ангур ҳанзалдин падид.

Арфа әкиб дашт билан роғда,
Буғдој олғум дема ўрор ҷоғда.

Кўргуси икки жаҳонда яхшилиқ,
Кимки бўлғой нарм хую хуш қилиқ.
Йиқиб ул ягочким битар анда хор,
Ниҳолини әкғил санга берса бор

Тутма суҳбат ямон биланки тутуш,
Гарчи пок ўлғосен падид айлар.

Офтобики ер билан тенгдур,
Зараи абр нопадид айлар.

Кўнгулда гуҳар асрор бордур,
Ва лекин тил уза мисмор бордур.

Гар забонинг бўлса санга роздор,
Тигни бошинг билан йўтур иши

Чун ўзининг спрингга маҳром бўлмадиниг,
Ўзгалар гар асрамас, йўқтур ажаб.

Кимки санга халқни озорига фармон берур,
Мамлакатни душманидур, ўлдур аввал ўзин.

Ул ўтким ани ёндуурдинг ҳасаддин,
Неча оламни куйдуурдинг ҳасаддин.

Очма лабни агар қулогинг бор,
Ким қулоқлик әрур бас девор.

Гар ниҳол шитоб ўтказсанг,
Берғуси меван пушаймонлиғ.

Улки яхшилиғ бирорга истамас,
Яхшилиғни анга зинҳор айлама.
Ҳар ниҳолникум анинг йўқ меваси,
Кесмоғида фикр бисёр айлама.

Бирорни гуноҳига ҳашм айласанг,
Ўқубат қилурда кўб ўйла ани.
Ки дур синомиги саҳт осон әрур,
Агар синса бўлмас тузатмоқ ани.

Ямон бўлма, ямонга ёр бўлма.

Ямондур ёки чекғай халқ они жавридин меҳнат,
Ва ё яхши әрур меҳринн кўнгул бирлан
сўюбдурлар.

Агар яхши әрур зиндан меҳнатдин қутулди ул,
Ямондур гар халойиқ меҳнатидин қутулубдурлар.

Кимки кўча устига қўйғай тузор
Ўзи солғон ул тузор ичра аёғ.

Яхшилик тухуми саодат берур,
Гар тикан өксанг аёғингга кирур...

Чу душман қўлингга гирифтор ўлур,
Хирод ҳукми улким, амон бермоғил.

Ошно топғил андор ошно,
Ким қилур маҳшаргача аҳду вафо.

Хонаким девори бўлғай хишти хом,
Бир ики ёмғур била бўлғай тамом.

Ошноеким ғараз омиздур,
Дўст бўлмоқ душмани ангиздур.

Тамаъ қилмағил, вий биродар, тамаъ,
Қилур хору, зору, харобу залил.
Ҳақиқат сўзини агар тингласанг,
Улуғликга билғил қаноат — далил.

Қаноат қил, вий нафс, андакга ҳам,
Ки келтурғуси ҳирси бешак алам.

Қилюр мардни нафс аммо раҳ ҳор,
Эсинг бўлса берма анга эътибор...

Кишиким илм ила бўлса товонгар
Не ғам гар йўқтур анго зару гуҳар.

Ҳар ерда расм меҳру вафо кўброқ ўлғуси,
Жамиятда ҳузур у сафо кўброқ ўлғуси.

Сувни қадрин не билурсен, сув лабида ўлтуруб,
Сувни қадрин даштларда ташна юргондин сўра.

Кимки суҳбатни ҳақини билғуси,
Умрни ёрон учун сарф әтгуси.
Ишда ёрининг бўлмаса, кўб ғам әрур,
Ишки беёр ўлғуси ул кам әрур.

Кимки бордур кўнглида сидқу сафо,
Доманинг ушлаки бор анга вафо.
Майл ўл анга вафо қиласа санго,
Жонии қалқони бало қиласа санго...

Адувдин дўстлиғни тутма уммид
Ки, бўлмас жамъ ҳарғиз ўт билан сув.

Кимки меҳру аҳддин бегонадур,
Кўнгли ичра ошнолиғ бўйи йўқ.
Синаиким тийра бўлди ғадрдин,
Анда худ меҳру вафолиғ бўйи йўқ.

Қарилар сўзиға қулоқ солмасанг
Надомат чекарсан, пушаймон бўлурсан.

Жароҳатким етар кўнгилга тилдин,
Қилолмас ҳеч марҳам ани баҳам.

Яхшиларни суҳбати монаанди мушк
Ким, насимидин етар жонга асар.
Ишлари дониш сарп бўлгай далил
Сўзлари ҳикматга бўлғай раҳбар.

Душман қутулса сандин, андин қутулмагайсан,
Гар истағсанг амони, берма амон адувга.
Адув лашкарига чу тушса хилоф,
Сан ўз ханжаринг устиға чек ғилоф.

Кимки қилур хасм сўзини қабул
Ранж чекиб оқибат ўлғой малул.

Яхши тадбир кўнгил ёрасиға марҳамдур.

Душман агарчи бўлса кичик қиласи ҳәтиёт,
Ани улуғ билиб ўз ишингни ғамиш егиш.

Адув лофи меҳру муҳаббат урад,
Демас дониш аҳли ани бўлди дўст.
Ҳамиша йилон бир табнатдадур,
Агар зоҳиран ташлогон бўлса пўст.

Хасм доноши, офати жондур,
Яхшироқ дўстдинки нодондур.

Кишиким тааммулсиз айлар амал
Ямондур, энендор, ҳалалдур, залал.

Яхшидур аҳду муҳаббат дўстларға бойламоқ,
Лек суди йўқ анинг ким аҳдига йўқтур вафо.

Хирсдурким барчанинг бўйниға солмишдур
тузор,
Ҳам ҳароми молининг меҳрида қўйдурғай аёғ.

Бевафолик ҳар қаерға солса раҳт
Оқибат ул жойни вайрон қилур.

Мұхаббат әрүр нарм ширы шакардин,
Адоват әрүр саҳт тиірү табардин

Айла мустақкам ишиңгни, әй ўғул,
Ҳар на ким ҳикмат әли дер қил қабул.

Киңікким улуғқа сітез айлагай
Иңқылай чуононким яна құбмағай

Гар киңікларнинг гуноҳидур азим,
Ҳам улуғлар афви андиндур улур.

Зулму бедоду ситамға назр қылғон ўзинни,
Ұзига бир суд учун әлга талаб юз минг зиён.

Кимки ойин зулм пеша қилур,
Ұзи ўз бүйніға каманд солур.

Десанг раныға бўлмағайман яқин,
Қулоқингга тақрил бу дурри самин:
Ки озарда душмандин эт өдтироғ
Агар чанд кўрсатса лутфу ниёз.
Ки кин аҳлиға такя қилмоқ ямон,
Инномоқ зиендуру, зиендуру, зиён.

Кимки енгиллик билан гар чекса тиғ,
Тишлагай илкини-ю, қылрай дариг.

Шаҳки лаҳву тарабга юз қўйғай,
Ўз қўли бирла шаҳрини бўзгай

Ҳар нимаким ўзингға бўлмас писанд,
Тутма раво ўзгага, әй аржуманд.

Истасангким стмагай санга бало,
То қилолурсан ямонлиғ қилмагил
Чун ямону яхши етгай ўзингга
Ўйла ўзингни, зиёналиғ қилмагил.

Кишиким халқга озори бордур, базмидин қочгила,
Ким ўтга кимки наздек ўлса куймоқ әҳтимоли
бор.

Истасанг кибрити аҳмар умр зоеъ бўлгуси
Айлагил деҳқончиликким сарбасардур кимё.

Бу дунёда дегил они хирадман—
Ким, англар жон билан гар десалар панд
Сухан гуҳар әрур, айтгучи ғаввос,
Қийинли бирла топгай гавҳарни хос.
Бу мушкин ҳуққалар ичра ниҳони
Басе тобгуңгдурур ёқут кони.

Эй ўғул, бўлғил оғирлик бобида монанд қўҳ,
Кимки тамкин бўлса кўб бўлғай анга кўброқ
шукук.

Жафогар адув бўлмамишдур амин,
Ки ғарду хиёнатга айлар камин.
Агар зоҳирда ишлар ошинолиқ,
Вале ботинда қилгай бевафолик.

Ҳукми султон алов била сувдек,
Бир нафасда жаҳон ҳароб қилур.
Бас шаҳаншоҳга раво әрмас
Ки, буюрмоқда изтироб қилур.

Ҳар кишиким әулмидин ҳаңжар чекар,
Даҳр ўзининг они бирла бош кесар.

Ҳилм бирлан гар тавозуъга бўлурсан ҳамнишин
Бўлгуси душманларинг меҳру вафода ёргор.
Ҳеч кимга бу жаҳонда бўлма душман, эй писар
Токи кому орзуйингга юруғой рўзгор.

Дўстликни йўлида сабит қадам бўл хокдек,
Бўлмагил ҳар кўй ичра ҳар нафас ҳамчун сабо.
Кимки нокасдин тамаъ қилгай вафо,
Тол, терак шохидин истар самар

Кишиким амонатдин олса насиб,
Ямонлик агар қиласа әрмас ажиб.
Ҳиёнат ямонлар ямонроғидур,
Ҳама айбларни зиёнроғидур.

Кимки ахлоқ зоҳири хушдур,
Ани ҳарғиз ямон гумон қилма.

Тарбиятдин қатра гуҳар бўлгуси,
Нофа қони мушк аэфар бўлгуси,
Қимати йўқ оҳни беҳуда ҳам,
Киймёнинг саъидин зар бўлгуси.

Кимки нокас өрур анинг асли
Даҳр тақлиби бирла кас бўлмас.
Саг магасни чу айласанг мақлуб,
Қалби ҳам файр саг магас бўлмас.

Эйки, ковларсан ситам бирла чуқур,
Оқибат бўлгай сени ўзингга гўр.

Кўрунушда Юсуфу, ичда бўри.
Берса асал комингга бениш әмас,

Марҳаматин роҳати бериш әмас,
... Қаронгу кечанинг поёни оқ.

Кимкии кирдори ямондур, эй жувон,
Еткуси ўз жонига андоғ зиён.

Истасанг ким бўлгосен, эй дил, неку,
Бўл ҳамиша рост кору, рост хўй.

Беҳунарга бериб басе зару сийм,
Ҳунар аҳлига парча нон бермас.
Садрда суфлалик ишнинг қошига
Саҳв ила аҳли илам йўл топмас.

Амал асосини гар қўйсалар фаросатга,
Фароғат әшиги кўнгил юзига очиладур.

Фалакни бил ҳама нодонга берғуси давлат,
Сан аҳли фазл әмишсан — бу хуррам бас санго.

Шаҳки боронда тахт бирлан тоҷ,
Касб аҳлига бўлғудек муҳтоҷ.

Тобғил асбоб, сўнг таваккал қилас.

Ҳар кишиким эзар йигодур, жон берур.
Бошқа учун жонга виён берадур.
Неча чекарсан бирор газанд,
Озга қаноат қилу,— бўл аржиманд.

Бўлур дунёда чун осуда бўлмоқ,
Керакмас молга олуда бўлмоқ.

Кимки оқиллар сўзига қиласа тобсъ ўзини,
Етгуси охир муродин манзилига бегумон.
Улки олмас панд, ваъзингга қулоқ ҳам солмагай,
Йўқотиб матлабидин тобмагай харгиэ нишон.





ШОИР ҲОТИФНИНГ АЛМАНИ ВАФОТИ УЧУН ЕЗГАН ТАРИХИ

Маъдани фазл Қори Фазлуллоҳ,
Чун аз ин домгоҳи меҳнат рафт.

Мӯ зи мотам кушод модари фикр,
Тифли ашк аз паяш ба ҳасрат рафт.

Рӯ сияҳ кард донишу бениш,
Аз пайи наъш ў ба ҳайрат рафт.

Дурри маъни ятим гашту хирад,
Пераҳан чок дар мусибат рафт.

Навҳа гар гашта аз паяш аҳбоб,
Хуни ҳасрат зи ҷашми ибрат рафт.

Ба ингар аз даври ҷархӣ қажрафтор,
Чи мусибат бар аҳли фитрат рафт.

Буд дар фақру фоқа чун ман фард,
Рӯзгораш басе ба усрат рафт.

Жой нон лаб газид ҳунҳо ҳўрд,
Аз жаҳонаш ба ин қаноат рафт.

Мурду аз эҳтиёж лаб на кушод,
Сўйи улво чу шахси ҳиммат рафт.

Аз жаҳон шуд ба як назар қонеъ,
Ҳамчу този ишгаҳ ба суръат рафт.

Бамаосий агарчи буд далер
Охирави дар жавори раҳмат рафт.

Баҳри, таърихи соли реҳлати ў,
Ақл шуд лолу дил ба ҳайрат рафт.

Гуфт Ҳотифки Қори Фазлуллоҳ,
Аз ҳароба саройи гафлат рафт.

Боз таърихи дигарам гуфто
Оснио беибо ба жаннат рафт.

Таржимаси:

Илму дониш манбани бўлмиш Қори Фазлуллоҳ бу
азоб-уқубатли, бевафо, фирибгар дунёдан кетди.

Фикр онаси соч ёйин мотам тутди.
Кўз ёшининг гўдаги ҳасрат билан равон бўлди, (яъни
шоир Ҳотиф фикрни соч ёйин мотам тутган онага, кўз
ёшини йиғлаб онага әргашган болага ўхшатади).

(Кишилардаги) билим ва кўра олиш (туйғуси) юзини
қора қилиб (қорага бурканиб) унинг тобути орқасидини
ҳайронлик ҳолатда кетди.

Маъни дурдоналари етим қолди, ақл ёқасини йиритиб
охир мусибат билан кетди.
Ер-дўстлари зор-зор йиғлашдилар,
ибрат кўзидан ҳасрат ёшлари тўкилди.

Тескари айланувчы фалак гардишига назар қил: илм
аҳдининг бошига қандай оғир мусибат келтириди.
У муҳтоҗликда ва қашшоқликда мен каби яккаю ягона
ёди.

Бутун умри қийинчилик билан ўтди.

Нон ўрнига лабини тишлади, қонлар ютди, бу дунёдан
шу хил қаноат биғлан ўтди.

То ўла ўлгунча ҳам муҳтоҷликдан ҳасрат қилмади, ана
шу олий ҳиммати натижасида юксак даражага етди.
Бир боқишаёқ дунёни кўра олди, билди ва билганидан
қаноатланди. Кўз қараши тезлигида ўтиб кетди.

Гуноҳкорликда қанчалик қўрқмас бўлса ҳам, оқибатда
раҳматга сазовор бўлиб ўтди.

Унинг вафоти йилининг тарихини ёзишга ақл лол бўлди,
кўнгил ҳайратда чуқур хаёлга борди.

Тарихи учун Ҳотиғ: Қори Фазлуллоҳ бу вайронга
гафлат саройидан кетди, деди.

Иккинчи таърихи учун әса бу «бепарво гунаҳкор
жаннатга кетди» деди.

МУНДАРИЖА

Унутлиниб кетган бир шоир ҳақида (Сўзбоши — С. Долимов)	3
Ҳаёт	13
Ярушур	14
Ғамланмасун	15
Баланд әтти	16
Қилсангчи	17
Хат	18
Маро то қазо	20
Фурурий хубий намегузорадки	23
Ҳандад	25
Мушонра	27
Руҳи равоним	29
Жомий ғазалига мухаммас	31
Маснавий	34
Ҳикматли сўзлар	35
Шоир Ҳотифининг Алманий вафоти учун ёзган тарихи	48